

**ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖАДИД АДАБИЁТИ НАМОЁНДАЛАРИ
ИЖОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10580285>

Рахимова Интизор Рустамовна

*Урганч тумани ҳокими ўринбосари, педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори*

Сенинг учун ўлмоқ –менинг тириклигимдир.

Абдурауф Фитрат

Мустақиллик – халқимизнинг асосий қадриятларидан бири бўлиб, эрк ва озодлик сари интилиш, она заминни асраш ҳар бир ватандошимиз томирида жўш уради. Мамлакат тинчлиги ва осойишталигини асраш, ўз умрини Ватан равнақига камарбаста қилиш таълим-тарбия жараёнининг туб негизда шакллана боради.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “...ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади”, - дея таъкидлаган эдилар.

Давлат ва жамиятнинг истиқболини таъминлашнинг муҳим омили сифатида ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусининг шакллана боришида, айниқса, бадий адабиётнинг аҳамияти беқиёс.

Ватан ва ватанпарварлик туйғуси борасида сўз кетар экан, бошқа мавзулардан фаркли ўлароқ ҳар бир ижодкор учун Ватан ҳақида шеър ёзиш, унинг мадҳини куйлаш шараф ва масъулиятга лиммо-лим жараёндир.

Зеро, ватанни шунчаки севиб, шунчаки кўз-кўз қилиб бўлмайдди. Бу ишк юракнинг туб-тубидан ўзгача сурур, хаяжон ва изтиробга, меҳру муҳаббатга коришиб ич-ичингдан отилади.

Ватанпарварлик ғояси жадидчилик ҳаракати, жадидчилик ғоялари асосида бирлашган барча ўзбек маърифатпарварлари, адабиёт вакиллари вакиллари дикқат-эътибор мараказида бўлган. XX аср зиёлиларининг орзу-истаклари она халқини қуллик исканжасидан озод этиш, ҳурликка чиқишини исташ, миллат ва Ватан тараққиётига муносиб улуш кўшиш, юртдошлар изтиробларига ҳамдардлик, элни-юртни жипслаштириш ҳамда

эзгу мақсадлар йўлида ватандошлар онги, дунёқараши ва қалб кўзини очишга интилиш юқори ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон тарихининг XIX аср охири - XX аср бошларидаги даври тарих зарварақларида мактаб ва маориф, матбуот, адабиёт ва санъат соҳаларида янгиланишни амалга ошириш билан бир қаторда халқнинг маънавий, маданий, маърифий ва ижтимоий ҳаётига ислохотларни кириб келиши билан муҳрланди. Маълумки, “жадид” сўзи “янги”, “янгилик” маъноларини англатади (**ЖАДИДЧИЛИК** (араб, жадид – янги) – 19-а. охири 20-а. бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, **Татаристон** ҳаётида муҳим аҳамият **қасб** этган ижтимоий-сиёсий, маърифий **ҳаракат**). XX аср бошларида авж олиб кетган бу ҳаракат маҳаллий аҳоли онгида зулмга қарши сиёсий мустақилликка эришиш учун кураш билан бирга янгиликлар сари интилиш лозимлигини адабиёт, санъат, театр, матбуот орқали кенг тарғиб қила бошлади.

Жумладан, Абдулҳамид Чўлпон “Бузилган ўлка” шеърида ўз юрти тақдирига бефарқ бўлмаган маърифатпарвар сиймо сифатида қуллик ва истибдод азобидан азият чекаётган, вайрон бўлган ўлкамизга қарата хитоб қилиб, ватандошларни огохлантиради, ҳушёрликка чорлайди:

*“Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка
Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут кўланка?
Эй, ҳар турли қулликларни сиздирмаган ҳур ўлка,
Нега сенинг бўғзинг бўғиб турар кўланка?!”...*
Абдулҳамид Чўлпоннинг
*“Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур тугилгонсен...”*

сингари ёниқ мисралари ҳурлик ва эрк учун чақирик тимсоли сифатида бадий адабиёт ихлосмандларини ўзига мафтун этиб келади.

Яна бир маърифатпарвар, миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири, буюк Ватан куйчиси, Абдулла Авлоний авлодларга мерос қолғувчи Ватанни шундай тараннум этади:

*“Ватан, Ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на гам қолар, авлодима ўю Ватаним”.*

Халқимизнинг буюк маърифатпарварлардан яна бири бўлган Абдурауф Фитрат ижодининг етакчи ғояларидан бири ватан муҳаббатидир. Фитрат ўз фаолияти давомида матбуот воситасида халқни ўз мустақиллиги учун курашга ундовчи мақолалар, шеърлар ва сочмалар чоп қила бошлайди.

Ватандан йироқда яшаб, юрт соғинчида яшаган Абдурауф Фитрат ижодида шундай дейилади:

*“Тонгда тавоф айлагани чиқ – Ватанимдур,
Оҳ-оҳ не Ватан, саждагоҳи жону танимдур.
Иззат-шарафим, тинчиму аршимда тўлин ой,
Ҳам қиблам, ҳам Каъбаму ва ҳам чаманимдир...”*

Фитрат ўзи муҳаррирлик қилган «Хуррият» (26-85-сонлар) газетаси саҳифаларида эълон этилган уч сочмаси ва бир шеърини «Юрт қайғуси» деб атади. Шу номли биринчи сочмада шоир ёзади: *“Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг? ...Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Қураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун...”*

Фитратнинг бошқа бир сочмаси *“Ётсам тушумда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршумда мунгли бир хаёл келиб турадур! Бу бир хотун хаёли...”* деб бошланади. Бу сўзлар дастлаб ўқувчини хаёлот оламига таъсир кўрсатади. Сочманинг навбатдаги жумлалари юртимиз бошига тушган оғир синовли кунлар, олис ва яқин тарихий даврлар тўғрисида ўзига хос таъсирли сўзлар ёрдамида баён қилинади: *“Бир хотунки, эғнида инакли, лекин йиртиқ ва эски бир қўйлақдан бошқа бир кийим йўқ. Бош-аёғлари яланғоч, тирсақларигача қоп-қора лойқадан ботган, бақирурга товуши, қутилулга кучи қолмаган!...”*. Ватан тимсоли орқали Она, эзилган ва таҳқирланган халқ борасида айтилган бу фикрлар тан-танзимизга наштардай санчилади-ю, тўғри юракка бориб урилади - *“Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг, у ёш ёмғурларин нечун тўкадир? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладир, нима тилайсан?.. Оҳ... Билдим... билдим... Англадим! Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан”*.

Ватан хаёлини мунгли хотин қиёфасида тасаввур этаркан, *“золимлар сени кимсасизми кўрдилар? йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен бутун борлигим билан сенга кўмак қилурга ҳозир. Мана мен чин кўнгул билан сенинг йўлингда ўлулга рози...”*, - дея қалбан исён кўтаради ва кишанлар остида эзилган мазлум халқи-ю, Ватан тақдири ҳақида қайғуради.

Шоир жаҳолат, қоқоқлик, илмсизлик, зулмга жавобан миллий бирлик, эрк ва маърифат орқали курашишни афзал санайди. Ушбу фикримизни “Ўғит” шеъридаги қуйидаги мисраларда ифодаланганлигини мисол сифатида келтириб ўтаемиз: *“Оғир йигит, сенинг гўзал, нузли кўзингда*

*Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзунгда*

Бу юрт учун қутулишнинг борлигин кўрдим.

Турма – югур, тинма – тириш, букилма – юксал,

Ҳуркма – кириш, қўрқма – ёпиш, йўрилма – қўзғал...”

Ўзликни англаш, миллий ғурурни сайқал топтириш, миллий онгни ўстириш, аждодларимизнинг ўз эрки, Ватан озодлиги йўлида мустамлакачилик зулмига қарши олиб борган курашлари тарихида жадид адабиёти намоёндалари асарлари аҳамиятга молик. Ёш авлод ота-боболарнинг асрий орзу бўлган истиқлол бизга шундайлигича инъом этилмагани, бунинг учун неча бир жонлар фидо бўлгани, Фитрат ва бошқа маърифатпарварлар мисолида юзлаб маърифатпарварлар ватандошлар қалб кўзини очиш учун қанчалар сара асарлар яратилгани англаб бораркан, эндиликда ворисийлик ҳисси билан Ватан келажаги ўз кафтлари орасида эканлигини теранроқ англай бошлайдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида “Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир”, - деган эдилар.

Таълим олувчиларда ягона ватани Ўзбекистон эканлигини англаш, унинг бой тарихидан бохабарлик, фидойилик, эртанги кунга ишонч, ватан мудофааси-ю ҳимоясига тайёрлик ҳолатларининг кузатилиши ва акс эттирилиши педагоглар ва ота-оналарнинг ватанпарварлик тарбияси йўналишида тўғри йўлдан кетаётганлигини англатади.

Ватанга муҳаббат аслида жимжимадор сўзлар билан эмас, унинг иқболи-ю, истиқболи йўлида олиб бориладиган эзгу амаллар-у, натижаларда исбот қилинади. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ўз ватанини Она тимсолида севиши баробарида эъзозлаши, ривожлантириш учун саъй-ҳаракат қилмоғи, эрк ва озодлигини таъминлашда “лаббай” деб турмоғи лозим. Зеро, Ватан она сингари азиз ва мўътабардир.